Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**10.08.2022 даги**
**YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ ва "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий тъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК ўртасида 240000000,00 сўм умумий суммага тузилган 15-22 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110

Шахсий ғазна хисобварақ 100021860244017069902110094

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4332900 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | 240 000 000,00 | | | 240 000 000,00 |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **240 000 000,00** | | | **240 000 000,00** |

Жами 240000000,00 сўм　　　　Икки юз қирқ миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 72000000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан 100 % ***2022 август ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойининг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______ (имзо)　Абдуғаффоров Зиёдулла Сийитқулович
Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______ (имзо)　Каракулов Рустам Ачилович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 15-22

Гулистон ш. 2022 йил «10» август

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги "Кўп хонадонли уйларни, мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилоят худудий филиали номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона раҳбари **З.С.Абдугаффоров** бир томондан, **"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ** (кейинги ўринларда **«Пудратчи»** деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона раҳбари DJURAYEV AKBAR TUYCHIYEVICH иккинчи томондан, Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатишга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукаммал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

1.2 **беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

1.3 **шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори **(2022 йил «04 » августдаги** баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тўлақонлигигача фойдаланишга топширилишида **ҚҚС билан 240 000 000 *(Икки юз кирк миллион )* сўмни ташкил этади.**

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

3.3 объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

3.4 амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритилиши натижасида, шартномада кўрсатилган суммага қонунчиликка мувофиқ ўзгартириш киритиш зарур бўлган ҳолларда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради

4.2 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи, шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.3 Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

4.4 Ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартонома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси

асосида амалга оширилиши мумкин, хар кандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

4.5 смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш хажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олиниши, агарда танловда бўлмаса смета-хужжатларидаги нархлардан олиниб, бажарилган ишлар ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

4.6 объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарининг техник паспортини тақдим этади;

4.7 шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

4.8 барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

4.9 объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур хажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

4.10. зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

4.11. қурилиш майдонида техника ва ёнғин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

4.12. мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биноларни бўшатади;

4.13. қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

4.14. Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

4.15. Объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлиқ тақдим қилади;

4.16. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.17. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгар ҳисобланади.

4.18. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.19. Пудратчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча хажмини шахсан ўзи бажаради, қуйидаги холатлар бундан мустасно;

4.20. Шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ хажмига кўра **60%** кам бўлмаган миқдорини ўзи ва қолган **40%** дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилоят худудий филиали рахбарига қилинган мурожаатга кўра ундан розилик хати олинганда;

4.21. Пудрат ташкилоти юқорида таъкидлаб ўтилган "**Розилик хати**"ни олиш учун, умумий иш бошланишидан олдин "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилоят худудий филиалига "Мурожаатнома" билан мурожаат қилиши шарт;

4.22. Мазкур мурожаатномага ёрдамчи пудратчи ташкилотига доир хужжатларни илова қилиши, агарда ушбу ёрдамчи пудратчи ташкилот ишини тўлиқ ва сифатли бажаришига шубха бўлиб, ишнинг бир қисмини бажаришга розилик хати берилмаган яъни рад жавоби берилган тақдирда, бошқа ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бўйича таклифлар бериши ёки ўзи шахсан бажариши лозим.

4.23. Ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб, қурилиш ишлари амалга оширилаётган жойлар ва унга туташ бўлган худудларда барча турдаги хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлашига жавобгар хисобланади.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.2. Ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.3. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.4. молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5. мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

5.6. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Пудратчи объектда қуриш ва таъмирлаш ишларини тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда **Сирдарё** вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи танлов комсиссиясининг қарорига асасан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

6.3. Пудратчи ишларни **30** кунда амалга оширади.

6.4. Ишларнинг бошланиши молиялаштириш очилган кундан бошлаб хисобланади.

6.5. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр.

6.6. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш қийматининг 30 фоиз микдорида, бир ойга 30 фоиз аванс маблағи тулаб беради. Бу **72 000 000 (Етмиш икки миллион ) сўмни** ташкил этади.

7.3. Буюртмачи ва Пудратчи хар ойда бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини "Маълумотнома-хисоб-фактура" билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва "Маҳаллий буюджет ва вазирликнинг жамғармаси" томонидан маблағ ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан молиялаштирилади.

7.4. Жорий молиялаштириш хар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан берилган аванс микдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 95 фоизи миқдорида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар қийматидан 5 фоиз миқдоридаги маблағ мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб _10__ кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

7.7.1. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 637-моддасига асосан пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тенг тақсимланади. Яъни Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этмаган бўлса пудратчининг тежами пудратчи ва буюртмачи ўртасида 50/50 кўринишида, яъни тенг тақсимланади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан хар ойнинг 15 кунидан 25 кунигача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг _28__ кунига қадар бажарилган ишлар хисоботини ""Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилоят худудий филиалига топширади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.18. Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилотни жалб этилиши мумкин.

8.19. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.20. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.21. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

8.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.23. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

8.24. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий холатлар (уруш холати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

11.4. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.2. смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

12.3. ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.4. смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

12.6. объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.7. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати

нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.11. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

13.3. Пудратчи томонидан бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан хисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичида топширилмаган холда;

13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

13.05. Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.6. Пудратчи:

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10. Шартнома қуйидаги холатлардан бирон-биттаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

13.11. Шартнома шартларига риоя қилинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;

13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камида 70%ни шахсан ўзи бажариш учун етарли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вақтдан бошлаб;

13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ хажмига кўра 60% кам бўлмаган миқдорини ўзи ва қолган 30% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК директорига мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;

13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш хажмининг 60%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишга етмаслигини яширганлиги.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

14.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.3. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари;
- объектни хамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмирлаш хамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилиши;
- объектнинг смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;
- қурилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар хамда нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;
- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

- Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

14.5. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.6. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.7. Молиялаштиришнинг кечикиши "Маҳаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси" нинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича "Буюртмачи" "Пудратчи" нинг олдида жавобгар бўлмайди.

14.8. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.9. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

14.10.Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.11. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.13. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.14. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қилади.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўл ган 3 нусхада тузилди.

16.9. Мазкур шартнома вилоят ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

**"БУЮРТМАЧИ"**

Номи: **"ҚХУМваЖТИТОКБ ИК" ДУК**
**Сирдарё вилоят ҳудудий филиали**
Манзили: Гулистон шаҳар Ўзбекистон шох кўчаси 99 уй
Банк номи: Сирдарё вилоят ғазначилик бошқармаси.
ШХР: 10002186024401706990211009 4
ҒХР: 23401000010000101 0
ИНН: 307921953
Тошкент ш. МБ ББ ХККМ
МФО: 00014 Инн: 201122919
СТИР:307921953

**Бошлиқ : ____________ З.Абдугаффоров**

**"ПУДРАТЧИ"**

Номи: **"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ**
Манзили: Сирдарё вилояти Ховос тумани

Тел.+99897-866-88-66

Банк номи: **АТ Асака банк Гулистон филиали**
Х/Р: 20208000800463898001

МФО: 00 373

ИНН: 303326002

**Раҳбар____________ А.Жўраев**

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Х/Р: 23402000300100001010.
Банк номи; Марказий банк Тошкент ш. ББ
Манзил: Тошкент ш. ББ
Стир (ИНН): 201122 919 МФО: 00 014
Тел.: ______________

1 илова

# ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ

в соответствии с графиком финансирования по объекту : по Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш

**Подрядчик:** "YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ

(минг. сум)

| № | Наименование работ | Ед. изм | Кол-во | Стоимость единицы | Месяцы строительства 2022 год | | | Всего стоимость |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | июн | июл | август | |
| 1 | Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш | объект | 1 | 240000,0 | | | 240000,0 | 240000,0 |
| | Итого: | | | 240000,0 | 0,0 | 0 | 240000 | 240000,0 |

Заказчик :

Подрядчик :

# ГРАФИК ФИНАНСИРОВАНИЯ РАБОТ

по объекту :Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш

**Подрядчик:** **"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ**

(минг.сум)

| № | Наименование работ | Ед. изм | Кол-во | Стоимость единицы | Месяцы строительства 2022 год | | | 5 % 2023 год | Всего стоимость |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | июн | июл | август | | |
| 1 | Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш | объект | 1 | 240000,0 | | | 240000,0 | | 240000,0 |
| | **Итого:** | | | **240000,0** | **0,0** | **0** | **240000** | **0,0** | **240000,0** |

Заказчик : 

Подрядчик : 

«YASHIL GUMBAZ SAVDO» M.CH.J

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 129059 на приобретение Сирдарё тумани куп хонодонли уйлар атрофида ободонлаштириш ишлари (5 болалар майдончаси)

Способ проведения электронный

Дата 04.08.2022

Время рассмотрения 04.08.2022 12:33

Конкурсная комиссия Куп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси Давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAYTKULOV OLIMJON BAXADIROVICH | Бошлик уринбосари | Сирдарё вилоят Уй жой коммунал хизмат курсатиш бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | QAXXOROV BAXODIR ABSAID O'G'LI | Етакчи мутахасис | КХУМЖТИТОКБ ИК ДУК Сирдарё вилоят худудий филиали |
| **Член комиссии** | YAKUBOV ILXOM ORTIKBOYEVICH | Рахбар | Куп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишни назорат килиш инспекцияси Сирдарё вилоят худудий булими |
| **Член комиссии** | UTALOV ULUG'BEK XALBAYEVICH | Бош мухандис | КХУМЖТИТОКБ ИК ДУК Сирдарё вилоят филиали |
| **Член комиссии** | XUDAYKULOV ISMATULLA PULATOVICH | Бош мутахасис | КХУМЖТХИТОКБ ИК ДУК |
| **Член комиссии** | ABDUG'AFFOROV ZIYODULLA SAYITQULOVICH | Рахбар | Куп хонодонли уйларни мукаммал ва жорий тамирлаш хамда иссиклик таъминоти объектларини куриш буйича ИК ДУК Сирдарё худудий филиали |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.08.2022 года № лота 129059.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по благоустройству территории** |
| Подробное описание | Сирдарё тумани Адолат МФЙ Буюк турон к.13, Жаннатмакон к. 17, Нурли йул к.11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул к. 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон к.1 уйлар атрофида ободонлаштириш ишлари (5 болалар майдончаси) |
| Количество товара | 5.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 48 772 000.00 |
| Стартовая сумма | 243 860 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие

баллы:

Критерий №1 Пудратчи тўғрисида маълумот, ташкилотни элон буйича таклифи офёрта

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми, рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида маълумот нусхаси, ташкилот такрибий структураси, ташкилот рахбари паспорт нусхаси. Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний хуқуқга эгалиги, ўзига нибатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маьлумотнома. Эълон бўйича таклифи офёрта ва иш бажариш муддати тасдиқланган тарзда жойлаштириш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ BLACK-WHITE HOUSE | 20 | офёрта | 20 | Экспертная | | |
| YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ | 20 | офёрта | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иштирокчи корхонанинг транспорт воситалари ва курилиш асбоб ускуналари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг транспорт воситалари ва курилиш асбоб ускуналари тугрисида маълумот. Ишлаб чикарилган саьнаси, сони , тех хужжатлар нусхаси.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ BLACK-WHITE HOUSE | 20 | офёрта | 15 | Экспертная | | |
| YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ | 20 | офёрта | 17 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ухшаш объекларда бажарган ишлари тугрисида маълумот Охирги 3 йил ичида хар бир йил учун бажарилган курилиш ишлари буйича ишлар хужжатлари.(шартнома, бажарилган иш далолатномаси, Форма 2, Фото суратлар ва х.к.)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ BLACK-WHITE HOUSE | 20 | офёрта | 15 | Экспертная | | |
| YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ | 20 | офёрта | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Банк ва солиқдан карзи йўклиги тўғрисида.

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот, қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида маълумот. Танлов (тендер) савдоларида иштирок этиш учун 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги

тўғрисида банк маьлумоти ёки айланма маблағ билан таьминлаш тўғрисидаги банк кафиллиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ BLACK-WHITE HOUSE** | 20 | офёрта | 20 | Экспертная | | |
| **YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ** | 20 | офёрта | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ишчи ходимлар тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Инжинер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида тасдиқланган маълумот, стажи, диплом нусхалари . my.mehnat.uz порталида мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ BLACK-WHITE HOUSE** | 20 | офёрта | 20 | Экспертная | | |
| **YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ** | 20 | офёрта | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ BLACK-WHITE HOUSE** | 243 860 000.00 | 225 000 000.00 UZS | 225 000 000.00 | 00.00 | 225 000 000.00 | 28.07.2022 12:36:31 | 00.00 |
| **YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ** | 243 860 000.00 | 240 000 000.00 UZS | 240 000 000.00 | 00.00 | 240 000 000.00 | 03.08.2022 17:15:36 | 00.00 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **MCHJ BLACK-WHITE HOUSE** | 90 | 0 | 90 |
| **YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ** | 92 | 0 | 92 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 129059 от 04.08.2022 года на приобретение Сирдарё тумани куп хонодонли уйлар атрофида ободонлаштириш ишлари (5 болалар майдончаси) определила победителем:

YASHIL GUMBAZ SAVDO MCHJ
303326002

и резервный исполнитель: MCHJ BLACK-WHITE HOUSE (308728115)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAYTKULOV OLIMJON BAXADIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUDAYKULOV ISMATULLA PULATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YAKUBOV ILXOM ORTIKBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UTALOV ULUG'BEK XALBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDUG'AFFOROV ZIYODULLA SAYITQULOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
**Сирдарё вилояти Уй-жой коммунал хизмат курсатиш бошқармаси бошлиги ўринбосари танлов комиссияси раиси**
**_______________ О.Хайткулов**

Сирдарё вилояти Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатишбуйича танлов комиссиясининг
ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ 10/2

"10"августь - 2022 йил — Сирдарё вилояти

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 2022 йил 9 март 65 сонли буйругига асосан куйидаги таркибда ташкил этилган.

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси: | О.Хайткулов Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Сирдаре вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари: |
| Комиссия раиси ўринбосари | З.Абдуғаффаров "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таьминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилояти филиали бошлиғи: |
| Комиссия аъзолари: | У.Уталов "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таьминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилояти филиали мухандиси |
| | И Худайкулов "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таьминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилояти филиали булим бошлиги |

КУН ТАРТИБИ:

Сирдарё вилояти Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш буйича танлов комиссиясининг ишларини куриб чикиш. Кун тартибидаги масалани мухокама килиб атрофлича ўрганиб ва тақдим этилган хужжатлар билан танишиб чиқиб тендер (танлов) комиссияси йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Танлов натижаларига кура икки иш куни мобайнида этирозлар келиб тушмаганлиги, стат уз порталида текширилганда афилланганлик бўлмаганлиги ва ЎРҚ 684 сонли карор талабларига зид эмаслиги сабабли талабгор **"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ** Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш бажариш учун ККС билан **240 000 000** ***(Икки юз кирк миллион ) сум*** ишларни якунлаш муддати 30 кун таклиф нархи билан голиб деб топилсин. "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таьминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилояти филиалига ўтказилган танлов (тендер) натижалари асосида ўрнатилган тартибда **"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ** билан пудрат шартномаси тузиш тавсия этилсин

Танлов комиссияси аъзолари

З.Абдугаффаров
У.Уталов
И.Худайкулов

15

"УТВЕРЖДАЮ"
ИК "КТРМДиОТ" ГУП филиал
Сырдарьинской области
_______________ З.Абдугаффоров
от "____"______________ 2022 г.

# ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

**Раздел 1. Основные данные по стройке**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Наименование и местонахождение стройки | *Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш* |
| 2 | Отрасль | *социальное* |
| 3 | Инвестор | *небюджет* |
| 4 | Заказчик | *Сырдарьинский областной управления ЖКХ* |
| 5<br>5.1. | Разработчики<br>ТЭО | *Гулистон намунали лойиха МЧЖ* |
| 5 | ПСД и / или ТД | *Гулистон намунали лойиха МЧЖ* |
| 5.3. | Экспертизы | *Сырдарьинский областной управления экспертизы* |
| 6 | Генеральный подрядчик | "YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ |
| 7 | Источник финансирования | *небюджет* |
| 8 | Срок начала и окончан.строительства | *2022 г.* |
| 9 | Основные показатели стройки: | *по ПСД* |
| | *Мощность (в соотв.ед.измер.)* | *объект* |
| | *Основные фонды* | *252000,000* |
| | *Капитальные вложения* | *252000,000* |
| | *Строительно-монтажные работы* | *240000,000* |
| | *Прочие работы и услуги* | *4800,000* |
| | *Содержание службы заказчика* | *7200,000* |
| | | |
| | ПРОГНОЗ на 2022 г. в соответствии с согласованным с ММЭС и МФ адресным списком | *В действующих ценах (сум)* |
| | Мощность (в соотв.ед.изм.) | *объект* |
| | Основные фонды | *252000,000* |
| | Капитальные вложения | *252000,000* |
| | Строительно - монтажные работы | *240000,000* |
| | Прочие работы и услуги | *4800,000* |
| | Содержание службы заказчика | *7200,000* |

**Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 г.**

| | ПРОГНОЗ на 2022 г. в соответствии с согласованным с ММЭС и МФ адресным списком | *( в текущих ценах, сум)* | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *Всего на год* | *в том числе по кварталам:* | | | |
| | | | *I* | *II* | *III* | *IV* |
| | Ввод мощности | *объект* | *объект* | *объект* | | |
| | Основные фонды | *252000,000* | | | *252000,000* | |
| | Капитальные вложения | *252000,000* | | | *252000,000* | |
| | СМР, оборудование | *240000,000* | | | *240000,000* | |
| | Прочие работы и услуги | *4800,000* | | | *4800,000* | |
| | Содержание службы заказчика | *7200,000* | | | *7200,000* | |

"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ

# "YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ

# Маъсулияти Чекланган Жамияти

## Тижорат таклифи

"___" _______ 2022 йил Гулистон ш.

Ховос туманида жойлашган **"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ** , Сизга узининг тижорат таклифини яъни Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш ишларини таклиф этади.

| № | Ишлар тури | Улчов бирлиги | Сони | Нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сирдарё туман Адолат МФЙ Буюк турон кўчаси 13, Жаннатмакон кўчаси 17, Нурли йул кўчаси 11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул кўчаси 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон кўчаси 1 атрофида ободонлаштириш ишлари 5 дона болалар майдончаси ўрнатиш | обект | 1 | 240 000 000 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

**"YASHIL GUMBAZ SAVDO "МЧЖ**
**рахбари**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI XOVOS TUMANI «YASHIL GUMBAZ SAVDO» MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
«YASHIL GUMBAZ SAVDO» M.CH.J

"КЕЛИШИЛДИ"
Сирдарё вилояти
хокими ўринбосари
_______ В.Йўлдашев
"___" ________ 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Молия вазирининг ўринбосари
_______________
"___" ________ 2022 й.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазирининг ўринбосари
_______ О.Жураева
"___" ________ 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июньдаги ПҚ-5152-сонли қарорининг 3-иловаси ижроси юзасидан
2022 йил Сирдарё вилоятидаги кўп қаватли уйларининг туташ ҳудудларини ободонлаштириш бўйича ишлаб чиқилган
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

| Т/р | Ҳудудлар номи / Объектларнинг номи ва жойлашган манзили | Қурилиш бошланиши ва тугалланиш йили | Шу жумладан, иш турлари бўйича: Болалар майдончасини: Қуриш: Сони | Талаб этиладиган маблағ | Таъмирлаш: Сони | Талаб этиладиган маблағ | Ирригация тармоқларини таъмирлаш: узунлиги | Талаб этиладиган маблағ | Йўлакларни бетонлаш: майдони | Талаб этиладиган маблағ | Ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш ва янгисига алмаштириш: Сони | Талаб этиладиган маблағ | Умумфойдаланишдаги ҳожатхоналарни қуриш: Сони | Талаб этиладиган маблағ | 2022 йилга Жами капиталь қуйилма | Шундан: Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати | шундан: Жами | Лойиҳа-смета ва экспертиза харажат-лари | Бошқа харажатлари | Топшириш муддати | Экспертиза хулосаси санаси ва рақами | Тасдиқлан-ган танлов байённинг рақами ва санаси | Пудратчи ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | (дона) | (минг сўм) | (дона) | (минг сўм) | (п/м) | (минг сўм) | (минг кв.м) | (минг сўм) | (дона) | (минг сўм) | (дона) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | | | | |
| | Гулистон шаҳар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Нихол МФЙ Алпомиш к 27 А, Фарход к.35 уйлар, Маданият МФЙ А.Темур к 55, Фарход к. 59 уйлар, Бахор МФЙ Тошкент кучаси 1 уй, | 2022 й | 6 | 283 500 | | | | | | | | | | | 283 500 | 270 000 | 13500 | 5400 | 8100 | 2022 й | №49064 29,06,2022 | 05,08,2022 | |
| 2 | Нихол МФЙ Алпомиш к 27,27 А, Фарход к.35 уйлар, Маданият МФЙ А.Темур к 53,55,65, Фарход к. 59 уйлар, Бахор МФЙ Тошкент кучаси 1 уй , Буюк келажак МФЙ 6 мавзе 27,28,29,11 уй, Навбахор МФЙ Богишамол кучаси1 уй, Бустон МФЙ 4 мавзе 21 А уй | 2022 й | 2 | 211 866 | | | | | 1,1 | 89 125,0 | 19 | 98009 | | | 399 000 | 380 000 | 19000 | 7600 | 11400 | 2022 й | №53345 27,07,2022 | 05,08,2022 | |
| 3 | Нихол МФЙ Алпомиш к 27,27 А, Фарход к.35 уйлар, Маданият МФЙ А.Темур к 53,55,65, Фарход к. 59 уйлар, Бахор МФЙ Тошкент кучаси 1 уй , Буюк келажак МФЙ 6 мавзе 23 уй | 2022 й | | | | | 192,0 | 81 450,0 | 1,179 | 98 994,0 | 32 | 17 166,0 | | | 197 610 | 188 200 | 9410 | 3764 | 5646 | 2022 й | №53518 28,07,2022 | 05,08,2022 | |
| 3 | | | 8,0 | 495 366,0 | 0,0 | 0,0 | 192,0 | 81 450,0 | 2,3 | 188 119,0 | 51,0 | 115175 | 0,0 | 0,0 | 880 110,0 | 838 200,0 | 41 910,0 | 16 764,0 | 25 146,0 | | | | |
| | Янгиер шаҳар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Шодиёна МФЙ Фазогирлар к.3 уй, Талабалар к.2 | 2022 й | 2 | 87 150 | | | | | | | | | | | 87 150 | 83 000 | 4150 | 1660 | 2490 | 2022 й | №48546 28,07,2022 | 05,07,2022 | |
| 2 | Шодиёна МФЙ Фазогирлар к.1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 уйлар, Талабалар к.2 Меъморлар к. 1,2,2А,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 уйлар | 2022 й | | | | | | | 7,509 | 612 711 | 92 | 62 124 | | | 674 718 | 642 700 | 32018 | 12737 | 19281 | 2022 й | №48548 28,07,2022 | 05,07,2022 | |
| 2 | | | 2,0 | 87 150,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 7,509 | 612 711,0 | 92,0 | 62124 | 0,0 | 0,0 | 761868 | 725700 | 36168 | 14396,8 | 21771 | | | | |
| | Сирдарё тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Адолат МФЙ Буюк турон к.13, Жаннатмакон к. 17, Нурли йул к.11 уйлар, Шоликор МФЙ Темир йул к. 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон к.1 | 2022 й | 5 | 252 000 | | | | | | | | | | | 252 230 | 240 000 | 12230 | 5030 | 7200 | 2022 й | №49067 29,06,2022 | 05,08,2022 | |
| 2 | Адолат МФЙ Буюк турон к.13, Жаннатмакон к. 17, Нурли йул к.11 уйлар, Тинчлик МФЙ Жозиба к.165 уй, Шоликор МФЙ Темир йул к. 1 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон к.1 | 2022 й | | | | | 210,0 | 90 235 | 1,188 | 96 390 | 24 | 12875 | | | 199 500 | 190 000 | 9500 | 3800 | 5700 | 2022 й | №53523 28,07,2022 | 05,08,2022 | |
| 3 | Адолат МФЙ Жаннатмакон к. 17 уй, Шоликор МФЙ Темир йул к. 1 уй, Тинчлик МФЙ Жозиба к.165 уй, Оқ йўл МФЙ Богу бустон к.1 | 2022 й | | | | | | | | | | | 4 | 222 600,0 | 222 830 | 212 000 | 10830 | 4470 | 6360 | 2022 й | №53518 28,07,2029 | 05,08,2022 | |
| 3 | | | 5,0 | 252 000 | 0,0 | 0,0 | 210,0 | 90 235,0 | 1,2 | 96 390,0 | 24,0 | 12875 | 4,0 | 222 600 | 674560 | 642000 | 32560 | 13300 | 19260 | | | | |
| | Оқолтин тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Янги Хаёт МФЙ Интилиш к.13 уй, Обод МФЙ Халкобод к. 4,12 уйлар, Обод МФЙ Халкобод к. 20,22,24,26 уйлар | 2022 й | 7 | 305 025 | | | | | | | | | | | 304 745 | 290 500 | 14245 | 5530 | 8715 | 2022 й | №58542 28,07,2029 | 05,07,2022 | |
| 2 | Янги Хаёт МФЙ Интилиш к.13,15 уй, Обод МФЙ Халкобод к. 4,8,12,18А,20,22,24,26,29 уйлар | 2022 й | | | | | | | 2,490 | 193 474 | 35 | 32276 | | | 225 470 | 215 000 | 10470 | 4020 | 6450 | 2022 й | №48548 27,06,2022 | 14,07,2022 | |
| 3 | Янги Хаёт МФЙ Интилиш к.13 уй, Обод МФЙ Халкобод к. 4,8,12 уйлар Обод МФЙ Халкобод к. 18А,20,22,24,26,29 уйлар | 2022 й | | | | | | | | | | | 10 | 682 500 | 682 217 | 650 000 | 32217 | 12717,2 | 19500 | 2022 й | №48540 27,06,2029 | 21,07,2022 | |
| 3 | | | 7,0 | 305 025 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 2,490 | 193 474,0 | 35,0 | 32276 | 10,0 | 682 500 | 1212432 | 1155500 | 56932 | 22267,2 | 34665 | | | | |
| | Баёвут тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

| Т/р | Худудлар номи<br>Объектларнинг номи ва жойлашган манзили | Қурилиш бошланиши ва тугалланиш йили | Шу жумладан, иш турлари бўйича<br>Болалар майдончасини<br>Қуриш<br>Сони | Талаб этиладиган маблағ | Таъмирлаш<br>Сони | Талаб этиладиган маблағ | Ирригация тармоқларини таъмирлаш<br>узунлиги | Талаб этиладиган маблағ | Йўлакларни бетонлаш<br>майдони | Талаб этиладиган маблағ | Ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш ва янгисига алмаштириш<br>Сони | Талаб этиладиган маблағ | Умумфойдаланишдаги ҳожатхоналарни қуриш<br>Сони | Талаб этиладиган маблағ | 2022 йилга Жами капитал қўйилма | Шундан<br>Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати | шундан<br>Жами | Лойиҳа-смета ва экспертиза харажат-лари | Бошқа харажатлари | Тугаш муддати | Экспертиза хулосаси санаси ва рақами | Тасдиқлаш тан танлов баённинг рақами ва санаси | Пудратчи ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | (дона) | (минг сўм) | (дона) | (минг сўм) | (п/м) | (минг сўм) | (минг кв.м) | (минг сўм) | (дона) | (минг сўм) | (дона) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | (минг сўм) | | | | |
| 1 | Соҳил МФЙ Улут юрт к. 16 уй, Совотобод МФЙ Нурчи к.1 уй | 2022 й | 1,0 | 51 208 | | | | | 0,124 | 10 456 | 24,0 | 3 226,0 | 1,0 | 55 860 | 120 350 | 115 000 | 5350 | 1900 | 3450 | 2022 й | №53849 29,07,2029 | 05,08,2022 | |
| 1 | | | 1,0 | 51 208,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,12 | 10 456,0 | 24,0 | 3226 | 1,0 | 55 860,0 | 120350 | 115000 | 5350 | 1900 | 3450 | | | | |
| | Сардоба тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Файзлиобод МФЙ Саноат к. 4,8 уйлар ва Саноат к. 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 уйлар | 2022 й | 2 | 86 914,154 | | | | | | | 28 | 25820,77 | | | 112 735 | 107 367 | 5368 | 2147 | 3221 | 2022 й | №48534 25,06,2029 | 21,07,2022 | |
| 1 | | | 2,0 | 86 914 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0 | 28,0 | 25821 | 0,0 | 0 | 112735 | 107367 | 5368 | 2147 | 3221 | | | | |
| | Ховос тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Қаҳрамон МФЙ Шох к. 83, Кувват к. 87, уйлар , Хавaскор к. 12,14,18 уйлар , Хуснобод МФЙ Байналмилал к. 2, Назарбек к. 12 уйлар | 2022 й | 7 | 390 417 | | | | | | | 15 | 13833 | | | 404 250 | 385 000 | 19250 | 7700 | 11550 | 2022 й | №48527 25,06,2029 | 07,07,2022 | |
| 2 | Қаҳрамон МФЙ Хавaскор к.11,12,13,14,15,16,17,18+9 уйлар, Каҳрамон к.9, Шох к. 83,84, Болажон 85,86,87, Кувват к.1А 87,88 уйлар ва Хуснобод МФЙ Байналмилал к. 1,2,3,4,5, Назарбек к. 10,12,14 уйлар | 2022 й | | | | | | | 9,231 | 798 000 | | | | | 798 000 | 760 000 | 38000 | 15200 | 22800 | 2022 й | №53347 27,07,2029 | 05,08,2022 | |
| 3 | Қаҳрамон МФЙ Шох к. 84, Болажон к. 89 уйлар, Қаҳрамон МФЙ Хавaскор к. 11,14,16,17+1 , Хуснобод МФЙ Байналмилал к. 2,3,5, Назарбек к. 12 уйлар | 2022 й | | | | | | | | | | | 11 | 785 400 | 785 408 | 748 000 | 37408 | 14968 | 22440 | 2022 й | №48545 25,06,2029 | 21,07,2022 | |
| 3 | | | 7,0 | 390 417 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 9,231 | 798 000 | 15,0 | 13833 | 11,0 | 785 400 | 1987658 | 1893000 | 94658 | 37868 | 56790 | | | | |
| 16 | Буюртмачи харажатлари | | 32,0 | 1 668 080 | 0,0 | 0,0 | 402,0 | 171685,0 | 22,798 | 1 899 150 | 269,0 | 265330 | 26,0 | 1 746 360 | 5 749 713 | 5 476 767 | 272 946 | 108 643 | 164 303 | | | | |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | | | | | | | | 367 287 | | | | | | | | |
| | Сирдарё вилояти бўйича жами | | | | | | | | | | | | | | 6 117 000 | | | | | | | | |

"Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК

Ш.Шарипов
_____ 2022 й.

Сирдарё вилояти Молия Бош бошқармаси бошлиғи

Ф.Кувваков
"05" 08 2022 й.

Сирдарё вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи

Б.Саматов
_____ 2022 й.

Кўп хонадонли Уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш Сирдарё вилояти худудий бошлиғи

И.Якубов
"___" _____ 2022 й.

"Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилояти худудий филиал бошлиғи

Т.Абдугаффоров
_____ 2022 й.